O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
PISKENT TUMAN
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ПИСКЕНТ ТУМАН
ҲОКИМИ

РЕШЕНИЕ
ҚАРОР

Пискент т. № 666 "16" 10. 2020 йил

Пискент туманидаги умумий ўрта таълим мактабларига микроҳудудларни бириктириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сон, 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сон қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 27 январдаги 1-сонли Ҳайъат қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим мактаби жойлашган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болалар ҳисобини олиб бориш тўғрисида"ги Йўриқномага асосланиб, умумий ўрта таълими мажбуриятларини бажариш ҳамда туманда жойлашган мактаб ҳудудида истиқомат қилувчи таълим ёшидаги болалар ва ўсмирларни таълимга жалб қилиш, умумтаълим мактаблари рўйхатига олинган ўқувчилар контингентини йил давомида тўлиқ сақлаб қолинишини назоратга олиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман Халқ таълими бўлимининг 2020 йил 14 июлдаги 255-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туманда фаолият кўрсатаётган умумий ўрта таълим мактаблари ҳудудидаги мактаб ёшидаги болалар ҳисобини олиш учун микроҳудудларга бириктириш тўғрисидаги рўйхат иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман халқ таълими бўлими (Х.Рашидов), умумий ўрта мактаб раҳбарларига:

умумий ўрта таълим мактабларига бириктирилган ҳудудда истиқомат қилувчи мактаб ёшидаги болалар ҳисобини ўрнатилган тартибда олиб бориш;

бириктирилган микроҳудудларда истиқомат қилувчи мактаб ёшидаги болалар ва ўсмирларни умумий ўрта таълимга тўлиқ жалб этиш, ўқувчилар давомати ва уларнинг мактабдан чиқиб кетиш ҳолатларини қатъий назорат қилиш;

жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни тегишли махсус таълим муассасаларида таълим олишларини таъминлаш;

умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи билан тўла қамраб олиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва уларни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

4. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Хамдамов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б **Р.Рихсиев**

UMUMIY BO'LIM

ASLIGA TO'G'RI